

ЖССТ раҳбари Ўзбекистон Президентига мактуб йўллади



Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

2020 йил сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурилган Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодекс лойиҳасини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига (ЖССТ) тақдим этганингиз учун Сизга миннатдорчилик билдириш шарафига муяссарман.

COVID-19 пандемияси бутун дунё бўйлаб ҳамжамиятлар ва мамлакатларга талафот етказишда давом этмоқда. Ўткир халқаро инқирозга дуч келиб, мен фавқулодда глобал етакчилик ва бирдамликка, имкон қадар кенг доирадаги шерикларни бирлаштиришга, кўп томонлама саъй-ҳаракатларни ишга солиш ва ҳеч кимнинг орқада қолиб келмаслигини таъминлашга чақирдим. Салкам бир йилда биз илм-фан, вакциналарни ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш амалиётидаги мисли кўрилмаган ютуқлар, жамоатчиликни сафарбар қилиш ва сиёсий собитқадамлик туфайли кучли етакчиликка эришишнинг имкони борлигини кўрдик.

Пандемия соғлиқни сақлаш тизимларимиз заиф эканини кўрсатди, тиббий ва ижтимоий тенгсизликни кучайтирди ҳамда соғлиқни сақлаш иқтисодий тараққиёт ва хавфсизликда марказий ўрин эгаллашини намойиш этди. Пандемияни назоратга олиб, тикланишга инвестиция йўналтираётган эканмиз, келажакка ҳам тайёргарлик кўришимиз лозим. Бундай вазият яна такрорланишига йўл қўёлмаймиз.

Жаноби Олийлари, Халқаро кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласида узоқни кўзлаганингиз ва бу жараёнда етакчилик қилганингиз учун Сиздан миннатдорман. Биз ҳужжатни диққат билан ўрганиб чиқдик. Унда қўйилган вазифаларнинг кўлами ва таклиф этилган амалий ечимлар менда катта таассурот қолдирди. Кодекс лойиҳаси тақдим этилгани ўз вақтида қабул қилинган қарор бўлди.

Ўтган йили биз пандемиядан кўп сабоқ чиқардик ва эндиликда келажакка назар ташлашимиз

керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясининг COVID-19га қарши чоралар бўйича WHA73.1 резолюциясига мувофиқ мен 2020 йил сентябрь ойида иш бошлаган Халқаро тиббий-санитария қоидаларининг (2005 йил) амал қилишини ўрганиш Қўмитасини чақирдим ҳамда Пандемияга шайлиқни таъминлаш ва жавоб чоралари бўйича Мустақил гуруҳни таъсис этдим.

Бундан ташқари, аъзо давлатлар томонидан амалга оширилаётган жараён доирасида Халқаро тиббий-санитария қоидаларига қўшимчалар киритиш мақсадида пандемияга шайлиқ ва жавоб чоралари тўғрисида глобал ҳадли конвенцияни ишлаб чиқиш имконияти юзасидан мунозаралар давом этмоқда. Мазкур масала 2021 йил 18 март куни ўтган ЖССТнинг ташкилотга аъзо давлатлар учун мўлжалланган ахборот сессиясида муҳокама қилинди, бу кўплаб мамлакатларда қизиқиш ўйғотди ва кейинги муҳокамалар учун қадам бўлиб хизмат қилди.

Барчанинг хавфсиз келажагига сармоя киритиш, барқарор ва ишончли соғлиқни сақлаш тизимларини барпо этиш ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасида юзага келиши мумкин бўлган ҳар қандай инқирозларга шай туришга тайёргарлик кўриш вақти келди. Жаноби Олийлари, сиёсий етакчилигингиз тўғрисида Сизнинг бу борадаги иштирокингиз ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Сиз тақдим этган Халқаро кодекс лойиҳаси пандемияни ўрганиш бўйича амалдаги жараёнларга ва пандемияга қарши курашиш бўйича ҳар қандай бўлажак халқаро ҳужжатни режалаштиришга бевосита боғлиқ. Сиз ушбу саъй-ҳаракатларда шахсан иштирок этишда давом этишингизга умид қиламан.

Жаноби Олийлари, COVID-19 пандемиясини олдини олиш ва барчанинг соғлом ва хавфсиз келажагини таъминлаш ишига содиқлигингиз учун Сизга яна бир бор ташаккур билдираман. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти жамоат саломатлиги соҳасидаги ушбу глобал фавқулодда вазиятда Сиз билан ҳамжиҳатдир.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Энг эзгу тилақлар ва миннатдорлик билан

Доктор Тедрос Аданом Гебрейесус,

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори

Манба